



МУНОСАБАТ

## ИЖТИМОЙ СИЁСАТ – ЯНГИ БОСҚИЧДА



**ЎЗБЕКИСТОН КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БИЛАН ФАОЛ ШУҒУЛЛАНИБ, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ҚАТЪЙ ПОЗИЦИЯСИНИ НАМОЁН ЭТАЁТГАНИ БУГУН ЖАҲОН МИНБАРЛАРИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.**

Камбағаллик биринчи марта Президентнинг 2020 йилдаги Мурожаатномасида мамлакат учун оғриқли масала сифатида расман тан олинди. Уша пайтда 6 миллионга яқин одам камбағал бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 41 фоизи норасмий секторда банд эди.

"Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри" ахборот тизимининг яратилиши аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни сезиларли даражада кучайтириш имконини берди. 2017 йилда ижтимоий ёрдам олган оилалар сони 500 мингга ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 2,3 миллионга етди. 2018 йилдан 2023 йилгача ижтимоий нафақалар бўйича харажатлар 3,7 баробарга ошди.

Айни пайтга келиб ижтимоий ислохотлар янги суръат ва қамров касб этаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. 13 декабрь давлат раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ҳам ушбу долзарб масалага бағишланиб, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ўзгаришларнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб берилди. 2025 йил учун устувор вазифалар белгиланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва ташаббуслар Халқ демократик партияси гояларига, мақсадларига ҳар томонлама уйғунлигини таъкидламоқ жоиз. Партия фаоллари ва депутатлар бу ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этди.

2 САҲИФАДА

ДУНЁ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ

### ИРЛАНДИЯ: ҲОКИМИЯТ БЎЛИШИЛМАЙДИМИ?

29 НОЯБРЬ КУНИ ИРЛАНДИЯ ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ – ДОЙЛ ЭРЕНГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ. УНГА БИНОАН МАРКАЗЧИ КОНСЕРВАТИВ "ФИНЕ ГЭЛ", ЛИБЕРАЛ-КОНСЕРВАТИВ "ФИАННА ФОЙИЛ" ВА ЯШИЛЛАР ПАРТИЯСИДАН ИБОРАТ ҲУКМРОН КОАЛИЦИЯ ҲУКУМАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН 88 ТА ЎРИННИ ҚЎЛГА КИРИТА ОЛМАДИ.

8

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

### АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

Жамиятда демократик иқлимни юзага келтиришда кучли депутатлар муҳим роль ўйнайди. Кучли партия гуруҳи ўткир муаммоларни кўтариб чиқади, масала таг-томири билан йўқ қилинмагунча тинчмайди.

Бу йил депутатликка биринчи сайланганлар аллақачон бу жараённинг суръати ва моҳиятини тушуниб олдилар. Улар ҳудудларда тажрибали, фаол депутатлар билан бирлашиб, биргалашиб, кўп хайрли ташаббусларни илгари суришмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар фаоллашмоқда. Жойларда ижро тизимида айрим мудраб ётган раҳбарлар эса анча сергаклашган.

4 САҲИФАДА

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

### КАМСИТГАНЛИК УЧУН ЖАЗО

Оиласида янги фарзанд туғилган оталарга эса 5 кунлик таътил



Қонунчиликда нафақат тазйиқ ва зўравонлик, балки ҳақорат қилиш, камситиш учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Шунга қарамай, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кўнгилсиз хабарларга кўзимиз тушади. Яъни, кимдир иш жойида калтаклангани, раҳбарият ёки бошқа бир ходим томонидан таҳқирлангани, руҳий ёхуд жисмоний таҳдидга учрагани билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради.

3

СИЁСИЙ ПУЛЬС

### ЯНГИЛАНАЁТГАН ДУНЁ БИЛАН ҲАМҚАДАМ



5



# ИЖТИМОЙ СИЁСАТ – ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

## ҲАМИША ДОЛЗАРБ

**Халилла ЕШИМБЕТОВ,**  
**Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон**  
**Республика Кенгаши раиси,**  
**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Жўқорғи Кенгесидаги партия**  
**фракцияси раҳбари:**

— Камбағалликни қисқартириш ва кучли ижтимоий ҳимоянинг мукамал тизимини яратиш Янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Барча ислохотлар “Инсон қадрини учун” тамойили асосида олиб борилмоқда. Буни сўнгги йилларда ижтимоий соҳадаги натижадор чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадлар учун жорий этилди. Бу орқали хотин-қизлар, ёшлар, умуман, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларнинг муаммолари манзилли ўрганилиб, ўз вақтида самарали ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор мажлисида тугаётган йилда 102 та ижтимоий хизматни маҳалла даражасига туширилганини қайд этиб ўтди. Масалан, олдин одамлар протез учун ҳар хил комиссиялар ва поликлиникада 2 ой сарсон бўлган. Ҳозир бу масала икки ҳафтадаёқ маҳаллада ечим топмоқда. Шунинг ўзидан 100 минг одамнинг оғирингил бўлди. Одамлар протезни 95 та ишлаб чиқарувчи орасидан электрон тизимда ўзи танлаётди, рақобат ва сифат ҳам яхшиланди. Ногиронлиги бор болаларга қараб туриш хизмати йўлга қўйилиб, мурожаатлар маҳаллада қабул қилинмоқда. Бу 700 нафар ота-онани ишлашига шароит яратди. Ҳаракатлана олмайдиган 4 минг нафар ёлғиз кексалар аниқланиб, уларга ўз уйда қараб туриш йўлга қўйилди.

Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Яъни, ижтимоий ҳимоя билан бандлик хизматларини ўзаро интеграция қилган ҳолда оилалар билан ишлаб, уларни манзилли, аниқ режалар асосида камбағалликдан чиқариш белгиланган.

Президент раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида соҳадаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Келаси йили 1 миллион 200 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Айтиш керакки, йиғилишда айтилган ҳар бир фикр бевосита партиянинг электроти манфаатларига дахлдор экани билан аҳамиятлидир. Чунки ХДПнинг келгуси 5 йилликка мўлжалланган дастурда ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кешиларнинг ҳаётини фаровонлаштиришга оид ташаббуслар илгари сурилган. Давлат раҳбари айтган топшириқлар эса бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга чиқаради.

## ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА

**Нигора ЭШМЕТОВА,**  
**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар**  
**Кенгаши раиси:**

— Дарҳақиқат, 2024 йилда юртимизда ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш йўналишида сезиларли ишлар амалга оширилди. Умуман, 2 миллионга яқин инсон ижтимоий ёрдам ва кўмакдан баҳраманд бўлди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар учун янги уй-жойлар қуриш, тиббий хизматларни кенгайтириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари амалиётга татбиқ қилинди. Бу ишлар партияимизнинг ижтимоий адо-

лат тамойилларига тўла мос келади. Бизнес дастуримизда ногиронлар ва эҳтиёжмандлар учун қўллаб-қувватлов тизимини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Президент ижтимоий ҳимоя соҳасини тубдан такомиллаштириш мақсадида “Ижтимоий карта” тизими жорий этилишини маълум қилди. Ушбу ташаббус нафақат аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш, балки давлат хизматларини рақамлаштириш орқали самарадорликни оширишга йўналтирилган.

Ижтимоий карта тизими орқали 72 турдаги ижтимоий хизматлар, 76 турдаги ёрдамлар ва 200 га яқин имтиёзлар ягона электрон платформага интеграция қилинади. Бу орқали қоғоз ҳужжатлардан воз кечилишига, вақт ва маблағ тежалиши ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнлари автоматлаштирилишига эришилади. Тизим, шунингдек, фуқароларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ақс эттирувчи рақамли паспорт яратишни ҳам ўз ичига олиши эса мутлақо янги ҳимоя усули ва замонавий қулайлик демакдир.

Ижтимоий карта аниқ пайтда тўлов воситаси ва эҳтиёжмандликни тасдиқловчи ҳужжат сифатида ҳам хизмат қилади. Тошкент шаҳри ва Янгийул туманидан бошлаб, кейинчалик бутун республика бўйлаб жорий этиладиган бу тизим эҳтиёжманд фуқароларга индивидуал ёндашув имконини беради.

Хорижий тажрибаларга назар солсак, ижтимоий карталар кўплаб ривожланган давлатларда ижтимоий адолатни таъминлаш ва давлат хизматларини шаффофлаштиришда асосий восита бўлиб келмоқда. Масалан, Германия ва Сингапурда шундай карталар орқали барча ижтимоий хизматлар бир тизимга бириктирилган.

Умуман, ушбу тизим орқали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш осонлашади, ҳукумат ва фуқаролар ўртасида ишонч мустаҳкамланади.

## ҒОЯ-ТАШАББУСЛАРИМИЗ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

**Мўқаддасхон СУЛТОНОВА,**  
**Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят**  
**Кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги**  
**партия гуруҳи раҳбари:**

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари вакиллари бизнинг электротизим, бизга яқин бўлган инсонлардир. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар партияимиз ғоя ва ташаббусларини амалга оширишда “йўл харитаси” вазифасини бажаради.

Сир эмаски, ногиронлиги бўлган шахсларнинг масалаларини ўрганиш ва уларга ечим топишга қаратилган ғоялар партияимиз учун устувор вазифалар сирасига киради. Бу тоифа инсонлар ҳамда уларнинг қаровчиларига қулайлик яратиш борасида қонуний чораларга эҳтиёж бор эди. Мазкур йўналишда энг муҳим қадамлардан бири янги тахрирдаги Конституцияимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб белгилангани бўлса, Президент ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя агентлиги ва унинг жойларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолият бошлагани соҳада янги ташаббусларга эшик очди.

Аслида бу ишлар осонлик билан амалга ошмаёпти. Уларнинг замирида катта меҳнат, машаққат ва маблағ зарур. Ўзбекистон дунёда кузатилаётган глобал инқирозларга қарамай ушбу вазифанинг уддасидан чиқмоқда.

ХДП Андижон вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи шаҳар, туманлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда ёлғиз яшайдиган қарияларнинг аҳволи, уларга кўрсатилаётган хизматлар ва ёрдамларнинг сифатига доимий эътибор қаратиб келамиз. Шунингдек, мактабга қатнаш имкони бўлмаган болаларга уйда яққа тартибда таълим бериш, бирламчи тиббиёт муассасаларида кўп болали, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга тиббий хизматлар кўрсатишнинг ҳолати каби масалаларни



уйма-уй ўрганамиз. Юрдошларимиз билан суҳбатлашганимизда уларнинг бугунги ўзгаришлардан мамнунлигига гувоҳ бўламиз ва бу бизга куч беради.

13 декабрда Президент раислигида ўтказилган йиғилишда эҳтиёжманд ҳамюртларимизга кўрсатиладиган хизматлар ва ёрдамлар натижадорлиги янада орттиришни эҳтиёт, илҳомландик. Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар келгуси фаолиятимизда дастуруламал бўлади.

## ҲАР БИР БОЛА – ЭЪТИБОРДА

**Облоберди ОЛИМОВ,**  
**Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят**  
**Кенгаши раиси ўринбосари, халқ**  
**депутатлари Кува туман Кенгашидаги**  
**партия гуруҳи аъзоси:**

— Тўғриси айтсам, инсон олдига катта режа ва мақсадлар қўйиши ҳамда уларни амалга ошириши учун ҳам имконият, шароит ва қўллов керак бўлади. Давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда айтилган фикрлар аниқ кўнглимиздаги гап бўлди. Чунки эндиликда ногиронлиги бор болалар учун тенг имконият ва шароит яратиши менинг энг катта истақларимдан биридир.

Йиғилишда боғча ва мактаб ёшидаги ногиронлиги бор болаларнинг асосий қисми махсус мактаб-интернатларда, ота-онасидан узоқда таълим олиши танқид қилинди.

Шуниси аниқки, имконияти чекланган болалар кўпроқ оиласи ва яқинлари меҳрига эҳтиёж сезади. Бошқалар билан ўзини тенг қўриши учун уларга шароит ва қарор зарур. Масалан, сўнгги йилларда таълим соҳасига замонавий технологиялар, Интернет, электрон дастурлар кириб келди. Ногиронлиги бор болаларга бу дастурларни ўзлаштириши учун маълум бир вақт ва махсус устозлар талаб этилади.

Давлат раҳбари 1 сентябргача 954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, яна 1 минг 800 нафар ногиронлиги бор бола таълим олиши учун шароит яратишини айтиб ўтди. Ушбу ташаббусни маҳаллий Кенгаш депутати, қолаверса, имконияти чекланган шахс сифатида қўллаб-қувватлайман. Сабаби, ўзим ҳам Тошкент давлат транспорт университети юриспруденция йўналишида инклюзив таълим оламан. Бу турдаги таълимнинг машаққати ва талабаларини яхши тушунаман.

Бизнинг Кува туманимизда 6 минг 384 нафар ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд бўлиб, улардан 1 минг 3 нафари болаликдан ногирон. Бу тоифадаги болаларда ўзларига бўлган ишончни янада ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда бошқалар билан тенг ҳуқуқларга эга эканини тушунтириш лозим. Тушунтиришга қолмай, улар бунинг ҳис қилишларига кўмаклашиш талаб этилади. Бунда тумандаги мутасадди раҳбарлар билан биргаликда жойларда спорт

ва соғломлаштириш марказларига имконияти чекланган болаларни жалб қилиш керак бўлади. Улар учун турли кўнгличор ва оммавий тадбирлар ташкил этиш орқали жамиятга кенгроқ жалб қилиш мумкин.

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!

**Музаффар ТУРОПОВ,**  
**ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши**  
**раиси ўринбосари:**

— Конституцияимизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайтирилиб, ижтимоий давлат моделини амалга ошириш механизми белгиланган. Асосийси, бу механизмлар изчиллик билан ҳаётга йўналтирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя соҳасига оид устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар, белгиланган вазифалар соҳага шаффоф баҳо бериш, келгуси режаларни аниқлаб олиш имконини ҳам берди.

Хусусан, камбағалликни қисқартириш борасида қатор таклифлар берилди. Таъкидландики, аввало, камбағал оила фарзандларини чет тили, IT ва касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имкониятлар яратилади. 2025 йилнинг 1 мартига қадар тўғараклар очиб, камбағал оиладаги 118 минг ёшларни ўқитиш бошланади ва тўғарак харажати 80 фоизгача қисми бюджетдан қопланади.

Камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, 2025 йилда 3,5 минг йигит-қизни олий-гоҳга грант асосида қабул қилиш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун олийгоҳ ўқитишлари ҳам бош-қош бўлади. Яъни, камбағал оиладан жами 4 минг нафар ёшларни ўқитиш уларга вазифа сифатида топширилади.

Нега айнан ёшлар? Сабаби, камбағалликка тушиб қолиш хавфи аҳолининг заиф қатлами, яъни, ёшлар, хотин-қизлар ва эҳтиёжманд кишиларда кўпроқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, ёшларни касб-хунарли, билимли қилиш жамият учун, давлат учун жуда муҳимдир.


Тўғриси, белгиланган вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Давлат раҳбарининг қатъияти, иродаси ва оқилона сиёсати елка тутуш, унинг ижросини таъминлаш, назорат ўрнатиш, ҳар бир мутасаддининг масъулиятини ошириш каби устуворликлар мақсадга эришишга туртки беради. Чунки халқимизнинг мамлакат етакчисини томонидан қўйилган топшириқлар ижросидан умидлари катта.

Халқ демократик партияси бу ислохотларни тўла қўллаб-қувватлайди. Маҳаллий Кенгашлар ва барча даражадаги партия ташкилотлари уларнинг ижросини таъминлашда бевосита иштирок этишга, назорат ўрнатишга ва ҳамкорликка тайёр.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири**  
**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА**  
**тайёрлади.**

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

# ДЕПУТАТЛАР БИР-БИРИДАН КУЧ ОЛАЯПТИ



Сайловчиларнинг яқинда сайланган депутатлардан умиди катта. Улар катта масъулиятга қандай амалий ишлар, қандай ҳаётини натижалар билан жавоб беради? Бу муҳим савол. Унга ҳар бир депутатнинг ўзи ишонадиган жавобни бўлиши зарур, албатта. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ де-

мократик партияси Марказий Кенгаши ҳудудларда депутатлар учун жонли мулоқот, таклиф-мулоҳазаларни эшитиб, режа белгилашга асосланган махсус ўқув-семинарлар ўтказмоқда.

Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтайдиган ўқувлар

кейинчалик туман-шаҳар даражасида ҳам давом эттирилади.

Тошкент шаҳридаги йиғинда Тошкент шаҳар ҳамда туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, маъсул ходимлар иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова партия гуруҳларининг ғоявий-сиёсий ўзига хослигини намоён этиш, депутатлик назоратини самарали ташкил қилиш, сўровларнинг манзиллилиги ва натижадорлигига эришиш бўйича қонунчилик ва амалиётдан келиб чиқиб, таклиф-таъсияларини берди. Партияимиз Сайловолди дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш, бу борада депутатлар зиммасида турган энг муҳим вазифалар ҳақида кўргазмали воситалар ёрдамида сўз юритди.

**Шаҳзода ҚУРБОНОВА,**  
**Мирзо Улугбек туман Кенгашидаги**  
**ЎаХДП гуруҳи аъзоси:**

— Президентимизнинг Қонунчилик палатаси биринчи мажлисидаги

нутқида таъкидланган вазифалар асосида маҳаллий даражадаги масалаларни ҳал қилишда фаолликни кучайтиришимиз зарурлиги тушунирилди.

Жумладан, “оила – маҳалла – халқ депутатлари Кенгаши – парламент” тамойили асосида ишларни ташкил этиш масаласи жуда ўринли ва аниқлиги билан менга ёқди. Бу бизга аҳоли муаммоларини тизимли равишда ўрганиш ва ечим топиш учун янги имконият яратади. Шунингдек, депутатлик назоратини ҳақиқий натижа берувчи механизмга айлантириш бўйича берилган кўрсатмалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Биз фақат назорат қилиш билан чекланмай, амалий ечимлар тақдим этишимиз керак, деб ўйлайман.

Энг аввало, ҳар бир маҳаллада аҳоли билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларнинг асосий муаммоларини ўрганиши мақсад қилганман. Шунингдек, депутат сифатида янги ташаббуслар билан чиқишни режалаштиряпман. Бизга берилган вако-

латлардан самарали фойдаланиб, партияимиз дастурий мақсадларини амалга оширишда фаоллик кўрсатишга ҳаракат қиламан.

**Санжар СОБИРЖОНОВ**  
**Юнусобод туман Кенгашидаги**  
**Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:**

— Депутат депутатдан фикр ва куч олиши керак, деб ўйлайман. Президентимиз таъкидлаганидек, кутиб ўтирмадан, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун ўзимиз ташаббус кўрсатишимиз зарур.

Семинарда айтилган бир фикр эсимда қолди. “Жойлардаги ижтимоий масалалар бўйича депутатлик назоратини кучайтириш одамларнинг давлат ҳокимияти идораларига ишончини мустаҳкамлайди”. Ҳақиқатан ҳам шундай, биз депутатлар ишонч кўпригига айланишимиз керак.

Ўзимга режа қилиб оляпман. Аввало, мурожаатларни мунтазам ўрганиб, уларга ечим топишда маҳаллий идора-ташкilotлар билан ҳамжиҳатликда ишлайман. Маҳаллий Кенгаши ҳақиқий назорат ва ташаббус марказига айлантириш учун ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

**Ўзбекистон ХДП**  
**Ахборот хизмати.**



## ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

Қонунчиликда нафақат тазйиқ ва зўравонлик, балки ҳақорат қилиш, камситиш учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Шунга қарамай, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кўнгилсиз хабарларга кўзимиз тушади. Яъни, кимдир иш жойида калтаклангани, раҳбарият ёки бошқа бир ходим томонидан таҳқирлангани, руҳий ёхуд жисмоний таҳдидга учрагани билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради.



# КАМСИТГАНЛИК УЧУН ЖАЗО

## Оиласида янги фарзанд туғилган оталарга эса 5 кунлик таътил

Бунинг сабаби фақатгина тарбия ёки жамоадаги муҳитгагина эмас, миллий қонунчиликдаги бўшлиқларга ҳам боғлиқ экан. Гап шундаки, меҳнат жараёнида ходимга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиб, тазйиқ ва зўравонлик содир этиш ҳолатларига чора қўллаш бўйича мезонлар етарли эмас. Иш жойларида тазйиқ ва зўравонликларни аниқлаш, уни содир этган шахсларга тегишли чоралар қўллаш, жабрланган шахсларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича ҳуқуқий асос мустаҳкам бўлиши зарур.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янги қонун лойиҳаси кириб келган. Қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида мазкур лойиҳа кўриб чиқилди. Аввалроқ

— Лойиҳада оталар учун 5 кунлик таътил муддати белгиланиши ва ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши назарда тутилмоқда. Бу меъёрлар қайси қонунчиликка асосланиб олинди ва ушбу амалиёт хусусий секторда фаолият олиб борувчилар учун қай тартибда жорий этилади?

### ЖАВОБ:

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Лазиз Қаршиевга** кўра, ушбу масала узок ўрганилган ва меъёрлар халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда белгиланмоқда. Яъни, мазкур амалиёт 90 та

Таъкидланишича, қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати жазони ижро этиш муассасалари хусусиятини инобатга олган ҳолда, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг масофали видео учрашувга бўлган ҳуқуқини таъминлаш назарда тутилган. Шу билан бирга, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг оила ва жамиятдан узилиб қолишининг олдини олиш, қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш ва бу орқали келгусида қайта жиноят содир этилишини камайтириш мумкин, деган тахминлар ҳам бор.

Яна бир муҳим тарафи, тақлиф этилаётган ўзгаришлар маҳкумларнинг ҳуқуқларини халқаро нормаларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Фракция аъзолари бу амалиёт кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар учун ҳам қулайликлар яратишини таъкидлади. Вақт ва маблағ тежалиши ижобий ҳолат сифатида баҳоланди. Видео кўнгирик орқали учрашув ўтказишга имкони бўлмаган оилалар учун ҳам шароит яратиш зарурлиги қайд этилди.

Масъулларга кўра, айти пайтда тергов ҳибсхоналарида видео учрашув ўтказиш учун махсус хоналар ташкил этилган бўлиб, бу ҳам барча учун бирдек мақбул эмас. Шу сабабли маҳкумларга қўшимча шароит ва уларнинг оила аъзоларига қулай имкониятлар яратиш учун ўзгаришларга эҳтиёж мавжуд.

ларда жазони ижро этиш муассасаларида прессонлайн, яъни, видео учрашув мосламалари ўрнатилиб, тест режимида ишлаши йўлга қўйилган. Бунда маҳкумнинг ўзи оила аъзолари, яъни, ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандларига кўнгирик қила олади ва улар ҳақидаги маълумотлар мавжуд платформанинг базасига киритилади. Ҳимояланган канал яратилгани боис бошқа жойга кўнгирик қилишнинг имкони йўқ.

Қонун лойиҳаси билан асосий ҳуқуқ сифатида эътироф этиладиган ушбу имконият маҳкумлар ва уларнинг яқинларига қулайликлар яратишини инобатга олган ҳолда, депутатлар лойиҳани концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

### ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Қуйи палата мажлисида кўриб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан, аввало, “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармонида белгиланган вазифалар ижроси таъминланади.

Шунингдек, ишни судга қадар юриштида тарафлар тенглиги ва тортишув тамойилининг таъминланишига, ҳимоячи ҳуқуқларининг кенгайишига, айблов ва ҳимоя тарафи фаолияти устидан ҳолис суд назоратининг амалга оширилишига янада қулай шароит яратилади. Табиийки, халқаро ҳуқуқ меъёрларини амалиётга кенгроқ татбиқ этиш, жумладан, “Хабес корпус” институтини янада кенгроқ жорий қилиш имкониятлари яратилади.

Масъуллар ҳимоячиларнинг иштироки билан боғлиқ масалалар ўзгаририлиши кутилаётган қонунларнинг бошқа нормаларида кўрсатилгани ва улар бевосита барча жараёнларда қатнашиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлади.

Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — тергов судьялари лавозими жорий этилади ва бу тергов жараёнига халақит қилмайди. Аксинча, улар томонидан жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция беради. Масалан, терговчи тинтув ўтказмоқчи бўлса, бунинг учун асослар етарлими, процессуал жиҳатдан шунга зарурат борми, деган нуқтаи назардан тергов судьясидан рухсат олиши керак бўлади.

Яна бир томони, прокурорларнинг ваколатлари қисқариб, адвокатлар билан тенглашувига олиб келади. Прокурор айбловга эътибор қаратиб, ҳақиқатни юзага чиқаришга ҳаракат қилса, ҳимоячи томон оқлашга уринади.

Фракция аъзолари ушбу қонун кучга кирганидан кейин фақатгина ҳукумат эмас, бевосита судларнинг ўзи ҳам тарғиботчи сифатида иштирок этиши керак, деган фикрни билдирди. Олий институтларнинг тарғиботчи этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Лойиҳа муҳокамалардан сўнг биринчи ўқишда маъқулланди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

МЕҲНАТ ЖАРАЁНИДА ХОДИМГА НИСБАТАН ЖИСМОНИЙ, РУҲИЙ, ЖИНСИЙ ЁКИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИР ЎТКАЗИБ, ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТИШ ҲОЛАТЛАРИГА ЧОРА ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА МЕЗОНЛАР ЕТАРЛИ ЭМАС. ИШ ЖОЙЛАРИДА ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, УНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРГА ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР ҚЎЛЛАШ, ЖАБРАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТимоий ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОС МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ ЗАРУР.

у Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, қатор тақлифлар билдирилган эди.

Лойиҳа билан фуқаро муҳофазасига қаратилган “меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш, тазйиқ ва зўравонликни тақиқлаш” тамойили такомиллаштирилиши тақлиф этилапти. Камситиш сифатида баҳоланадиган ҳолатлар рўйхатига “танасининг ранги, оилавий аҳволи, сиёсий қарашлари” билан боғлиқ ҳолатлар ҳам киритилмоқда.

Эътиборлиси, бундай ҳолатлар рўй берганда унинг ечими юзасидан жамоа раҳбарига масъулият юклатилмоқда. Жумладан, меҳнат жараёнидаги тазйиқ ва зўравонликни ҳамда ушбу ҳолатлар юзасидан кўрилган чораларни идоравий одоб-ахлоқ комиссиясида ёки касаба уюшмаси вакили иштирокида баённома тузган ҳолда, батафсил муҳокама этиши иш берувчининг мажбуриятларга киритилмоқда. Ҳамкасбига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки таҳдид қилган ходимни иш берувчи ташаббус билан бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш амалиётини қўллаш қонунан белгиланмоқда. Табиийки, бу жараён жабрланувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ ва у аноним шаклда ўтказилиши ҳам мумкин.

Лойиҳада, шунингдек, ишлаётган эркаклар фарзандли бўлганда турмуш ўртоғига ёрдам бериш ва бошқа фарзандларига қараб туриши учун қисқа муддатли таътилга чиқиши билан боғлиқ меъёрлар тақлиф этилмоқда. Зеро, миллий қонунчилигимизда бундай таътил назарда тутилмаган эди.

Лойиҳага кўра, оиласида янги фарзанд туғилган оталарнинг турмуш ўртоғига ёрдам бериш учун қисқа муддатли таътилга чиқиши билан боғлиқ меъёрлар тақлиф этилмоқда. Зеро, миллий қонунчилигимизда бундай таътил назарда тутилмаган эди.

**Зулайхо АКРОМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

давлатда жорий этилган бўлиб, аксариятида “оталик таътили” 5 кун этиб белгиланган, айримларида эса иш ҳақини тўлаш тартиби мавжуд эмас. Ўртача иш ҳақининг сақланиб қолиши ходимнинг меҳнатидан фойдаланилмайди, аммо унга пул берилиши билан изоҳланди. Яна бир томони, амалдаги қонунчиликда белгиланган меъёрлар, яъни, “суюнчи пули” қўшимча моддий ёрдам олиш имконияти бекор қилинмайди.

Масъуллар таъкидлашча, хусусий секторда ушбу амалиёт татбиқ этилиши назарда тутилмаган. Бирок бу бўйича бошқа бир қонун ишлаб чиқилаётгани, яъни, Ижтимоий сўғурта тўғрисидаги қонунда хусусий секторни қамраб олиш масаласи кўрилаётгани таъкидланди.

Фракция аъзолари оиланинг ижтимоий ҳолати ҳамда она ва боланинг соғлигидан келиб чиқиб, муддатни ўзгаририш ҳақида ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ эканини билдирди. 5 кун деган қатъий меъёр ўрнига 5 кундан кам бўлмаган таътил белгилаш тақлифи берилди.

Узоқ муҳокамалар, тақлиф ва саволлардан сўнг лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди.

### МАҲКУМЛАР УЧУН ВИДЕО УЧРАШУВ АСОСИЙ ҲУҚУҚ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНИШИ МУМКИН

Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жамиятдан ажралиб қолишининг олдини олиш, қайта жиноят содир этилиши ҳолатларини камайтириш, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жазони ижро этиш фаолиятига татбиқ этиш... Йиғилишда шу мақсадда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.



**Жамол ОЧИЛОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Айти пайтда ҳам учрашув тушунчаси бор. Видео учрашув қай тартибда ташкил этилади ва унинг амалдаги ҳолатга таъсири борми?

### Жавоб:

**Депутатнинг саволига Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш департаменти бошлиғи ўринбосари Отабек Сатимбаев** жавоб берди. Унинг сўзларига кўра, шу кунгача ушбу амалиёт мавжуд. Маҳкум қисқа муддатли ёки узок муддатли учрашувни видео учрашувга алмаштирган ҳолда, ушбу имкониятдан фойдаланган. Жазони ижро этиш муассасаларининг тартибига кўра белгиланган шартлар бор. Мутасаддилар мавжуд қондалардан келиб чиқиб, телефон орқали сўзлашув ёки видео учрашув ҳуқуқини қўшимча ҳуқуқдан асосийга ўтказишни тақлиф этмоқда.

Мисол учун, умумий тартибли колонияда йилига 12 марта телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи берилган бўлса, маҳкум унинг исталган қисми ёки ҳаммасини видео орқали учрашувга алмаштириши мумкин. Шу кун-



## МУНОСАБАТ

ИЖТИМОЙ  
ҲИМОЯНИНГ  
ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Хусан ЭРМАТОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— «Ўзбекистон-24» телеканалда «Ахборот»ни кўриб беҳад таъсирландим. Президент аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари билан ишлаш тизимини бутунлай янги тизимга ўтказиш борасида соҳа мутасаддилари билан таҳлилий йиғилиш қилиб, уларга бу борадаги вазифаларни белгилаб берди. Бу охириги тўрт йилда Президентимизнинг кун тартибидеги бош масалалардан бири бўлиб, келаётган йилда мамлакатда камбағалликни қисқартириш мавзуси, назаримда, тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми билан натижадорликда ҳам мазмун ва ҳам мундарижа билан бойимокда.

Очиғи, энди масаланинг ҳақиқий моҳиятига етдик, унинг ҳақиқий таянч нуқтаси топилди, деб айта оламиз.

Аслида аввалдан ҳам ижтимоий ҳимояга кўп урғу берардик. Тизим турли шаклларда намоён бўлди. Бирок, амалда камбағал камбағаллигича қолди, бой эса бойигандан бойиди. Назаримда, сўнгги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан пайдо бўлган «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» каби лойиҳалар жамиятнинг асл ҳолатини англаш учун ўзига хос имтиҳон, синов ролини ўйнади.

Бу лойиҳаларнинг ижобий натижа беришига ишонмаганлар кўп эди, ростки гап. Лекин бугун бу лойиҳалардан кейин хулосалар кескин ўзгарди. Улар эса бундай: Ўзбекистонда аҳолининг ночор қатламлари эътибордан қарийб четда қолиб келган. Уларни ростакамига ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эриша олмаган эканмиз.

Биргина «Аёллар дафтари» мисолида олинг, унинг ўтган йиллардаги 5 та бошқичи орқали қанча аёл, уларнинг оиласи, келажакка умидсизлик кўзи билан қараб турган фарзандларининг ҳаётга муносабати ўзгарди. Буни айтиш кунга келиб, ҳеч ким инкор эта олмайди. Гап уларни моддий қўллаб-қувватлашдагина эмас. Бугун масала анчайин теранлашди. Уларни ҳаётга қайтариш, қалбларига ишонч, деган буюк нъматни жо қилишлари учун моддий нъматнинг ўзи ҳеч ҳам кифоя эмас.

Президентимизнинг улкан тажриба асосида берган топшириқларида у кишининг ўз халқига катта меҳрини кўрдим. Ночор оилага ёрдамни ундан хабар олиб, бир халта картошка бериб қайтиш, деб қараш керак эмаслиги, балки унинг қалбига йўл топиш зарурлиги таъкидланди. Ростки ҳам шу, эл қаторига олиб чиқиш учун улар билан кўп ишлаш керак, гаплашиш, уларни ичидаги айтилмай келган орзуларини, мулоҳазаларини тинглаш, нималарга ўзини чоғлаётганига амин бўлиш керак экан. Ёрдам эса айтиш шу муждага қаратилиши лозим. Мажлисда бу борадаги ишларни айнан улар билан яқинлаштиш, диллашшидан бошлаш лозимлиги таъкидланди. Мана, ечим.

Президент олис Деновда яшаб келаётган Дилором Йўлдошеванинг ишларига юксак баҳо берди. Эътибор беринг-а, ўзида ногиронлиги бўлган бу мунис аёл 40 нафар хотин-қизни ишли қилибди.

Матонат, ирода ва энг муҳими, ўзига бўлган ишонч қаердан пайдо бўлди бу аёлда? У нимадан куч тоғди, қандай қилиб ўзига 40 нафар ишончи ҳаминқадар бўлган замондошини ишонтирди? Бу саволлар Президентимиз янги тизим мутасаддилари олдига қўяётган масалаларнинг асл моҳиятини очиб бергандек бўлди. Демак, инсонга ишонч бағишланг, уни юксак марралар сари унданг, рағбатлантиринг!

Давлат раҳбарининг Фармонида биноан «Мардлик» ордени билан тақдирланган Дилором опа бу ютуғи билан яна қанча бундай кўнгли ўқсик ҳамюртларимизга далда бераётганини тасаввур қилайлик.

«Ишонч» газетасининг биринчи саҳифасида кўзларида ҳаётнинг аччиқ ситамларини кўргани яққол билиниб турган мана шу мард аёлнинг суратини кўрган одам Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган заҳматли ишларнинг, эзгу мақсаднинг амалга ошгани, натижа берганини кўради. Натижа бўлганда ҳам қиймати баланд натижа!

Бу Юрт отасининг ўз халқига бўлган чексиз меҳри ва ғамхўрлигининг ҳосиласидир.

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Жамиятда демократик иқлимни юзага келтиришда кучли депутатлар муҳим роль ўйнайди. Кучли партия гуруҳи ўткир муаммоларни кўтариб чиқади, масала таг-томири билан йўқ қилинмагунча тинчмайди.

Бу йил депутатликка биринчи сайланганлар аллақачон бу жараённинг суръати ва моҳиятини тушуниб олдилар. Улар ҳудудларда тажрибали, фаол депутатлар билан бирлашиб, биргалашиб, кўп хайрли ташаббусларни илгари суришмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар фаоллашмоқда. Жойларда ижро тизимида айрим мудраб ётган раҳбарлар эса анча сергаклашган.



## АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

Хабарингиз бор, яқинда Халқ демократик партиясининг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди. Ҳужжат асосида амалий ишлар бошланди. Албатта, биринчи қадам ҳар доим ҳам осон бўмайди. Мақтовлар ҳам, танқидлар ҳам бўлиши табиий. Аммо ҳамма гап ҳаракатда, ислохотлар самарасини таъминлашда.

Аввало, айтиш керакки, Ўзбекистондаги янги ислохотлар шароитида партия-мизнинг дастурий гоғлари ва мақсадлари ҳам чуқурлашди. Ҳаракат дастурида мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, ижтимоий самарадорликни ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим масалалар қамраб олинди.

Маҳаллий Кенгашлар минбарида депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Партия кенгашларининг депутатлар билан алоқаси янада мустаҳкамланмоқда. Халқ дардига кулоқ тутиш, одамларнинг муаммоларини ўрганишда биргаликда фаолият олиб бориш яхши самара бериши аниқ.

Айни шу кунларда ҳамма келгуси йил учун янги режалар тузиш, жорий йилдаги ишларни сарҳисоб қилиш билан банд. Ҳўш, бу муҳим паллада маҳаллий Кенгашлардаги Халқ демократик партия-си депутатлари нималар билан машғул? Уларнинг маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббускорлиги қандай?

ХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ  
ТУМАН КЕНГАШИДА  
МАЪҚУЛЛАНДИ

Абдуллажон ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон ХДП Учқўрғон туман  
Кенгаши раиси, партия гуруҳи  
раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги юзасидан 13 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши партияимиз олдига қўйган Ҳаракатлар дастури доирасидаги вазифалар ижросига жуда катта ижобий туртки бўлди. Йиғилишда илгари сурилган таклифлар бизнинг аҳду шижоатимизни янада қатъийлаштирди.

Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар реабилитациясига устувор аҳамият қаратилади. Ижтимоий ёрдамда ўқитиш, ҳунар ўргатиш ишларидаги самарадор чинамлар белгиланди. Айниқса, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, протез маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминлаш чора-тадбирлари яхшиланади.

Учқўрғон туманида 6 минг 200 нафар фуқаро «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази назоратига олинган. Туманда 4 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар бор. Камбағалликдан чиқариш дастури асосида 101 нафар раҳбарга 505 та камбағал оила бириктирилган. Ўзбекистон ХДП гуруҳи халқ депутатлари туман Кенгаши, туман ҳокими, «Нуроний»лар кенгаши, туман «Маҳалла» уюшмаси билан эҳтиёжманд қатлам билан ишлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар бел-

гилаб олинди. Камбағалликдан чиқариш учун рўйхатга олинган фуқаролар билан ишлаш масаласида ҳар ойда туман Кенгашига ахборот киритиш, ҳар чоракда партия гуруҳи ва доимий комиссия ва туман Кенгаши сессияда муҳокама қилиб бориш режалаштирилди.

ХДП депутатлари ташаббуси маҳаллий Кенгаш раиси томонидан қониқиш билан қабул қилинди. Айниқса, мазкур йўналишда мунтазам жамоатчилик назорати олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ХДП гуруҳи бу борада ижобий натижаларга эришиш учун бор тажриба ва имкониятини ишга солади.

ҚАШҚАДАРЁЛИК ДЕПУТАТЛАР  
ҲИСОБОТНИ ҚАНДАЙ  
БАҲОЛАДИ?

Олим РАВШАНОВ,  
ЎзХДП Қашқадарё вилоят  
Кенгаши раиси,  
халқ депутатлари вилоят  
Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Кейинги йилларда маҳаллий давлат бoshқарувини демократлаштириш, ҳудудлар ривожини билан боғлиқ қарорларни бир киши эмас, кўпнинг фикри билан қабул қилиш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда. Халқ депутатлари кенгашлари ҳозир энг муҳим масалалар юзасидан қарор қабул қилишда кўплаб ваколатларга эга бўлди. Бу кенгашларнинг салоҳияти, масъулияти ошишига замин яратди. Шунга яраша маҳаллий Кенгашлар фаолияти сезиларли даражада фаоллашиб бориши ҳам керак. Кенгашлар уйғоқ экан, ҳудудлар ривожланади, депутатлар фаол экан, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ҳаётий ечим топилади.

Яқинда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи ташаббуси билан вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида Маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбарининг «Кўп квартираларни уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Зокировнинг ҳисоботи эшитилди. Айтиш керакки, ушбу тадбир партияимиз Ҳаракат дастури доирасида ЎзХДП депутатлари ташаббуси билан ташкил қилинди.

Ҳозир вилоятда 2 минг 286 та кўп квартиралар турар жой бор. Уларнинг 45 таси пудратчи ва 2 минг 167 таси бошқарув сервис компанияларига, қолган 74 таси бошқа идора ва ташкилотларга бириктирилган. Маълум бўлишича, вилоятдаги 161 мингга яқин аҳоли истикомат қилиб келаётган кўп қаватли уй-жойлардаги 58 мингдан ортиқ хонадонга 68 та бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатиб келмоқда.

2024 йилда компаниялар ҳисобига тушган маблағлар эвазига 367 та уйнинг том қисмидан ертўлагача бўлган қисми таъмирланган. Яъни, режа ортиғи билан бажарилган. Ҳозирда кўп қаватли уйларнинг 4 тасида фасад қисмини, 6 тасида кириш йўлакларини таъмирлаш, 3 тасида ертўла муҳандислик коммуникациялари, 17 тасида энергия тежовчи сенсор лампалар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, кўп қаватли уйларни куз-киш мавсумига тайёрлаш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди.

Аён бўлишича, вилоятда 11 та қозонхона бор. Иссиқлик корхонаси тасарруфидеги 27 та қозоннинг 8 таси, 44,4 км иссиқлик тармоқларининг 15,7 км қисми таъмирталаб. Жорий йилда ушбу қозонларни ва 2,95 км иссиқлик тармоқларини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 3 та қозон ва 0,5 км иссиқлик тармоқларида белгиланган ишлар бажарилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг қарорига асосан маҳаллий бюджет маблағларидан қозонхоналар ва иссиқлик тармоғини куз-киш мавсумига қадар мукамал таъмирлаш мақсадида 1 млрд. 270 млн. сўм ажратилиб, тендерда ғолиб бўлган «Қувончбек Бунёдкори» МЧЖ томо-

нидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Йиғилишда партияимиз депутатлари сайловчиларнинг коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммо ва таклифлари юзасидан мутасадди ташкилотлар вакилларига муурожаат қилишди. Коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш чораларига урғу берилди.

Албатта, бу каби ҳисоботлар, идора-ташкilotларнинг маҳаллий Кенгашлар олдидеги ҳисобдорлиги ҳудудларни ривожлантириш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

ҚУВАЛИК ДЕПУТАТЛАР  
АНЧА ФАОЛ

Махамматсоли МЕЛИБАЕВ,  
халқ депутатлари Қува туман  
Кенгаши депутати:

— Халқ депутатлари Фарғона вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига партия-мизнинг 115 нафар депутати сайланди. Вилоятимизда ХДПнинг 19 та депутатлик гуруҳлари тузилди. Бу катта куч дегани. Жойлардаги кўплаб масалалар қай даражада самарали ҳал этилиши, вакиллик ҳокимиятининг ўзгариши юрагида ўти бор депутатлар кўпайишига ҳам боғлиқ.

Шу маънода барча депутатлар бир ёқадан бош чиқариб, елкама-елка туриб, ҳудудларда бўлаётган жараёнларга, олиб борилаётган ислохотларга бефарқ бўлмасдан фаолият юритяпмиз. Шаҳар ва кишлоқлар тараққийига хизмат қиладиган режа ва дастурларни белгилаб олганмиз.

Очиғини айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Янги сайланган депутатларни ўқитиш ишлари ҳам тизимли равишда ташкил этилган. Улар ўз салоҳиятини, билиминини амалда кўрсата оляпти.

Масалан, яқинда халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг навбатдаги VII чақириқ иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда партияимиз электорати бўлган ногиронлиги бўлган инсонлар манфаати билан боғлиқ бир қатор масалаларни муҳокама қилдик.

Сессия кун тартибига асосан дастлаб соҳага тегишли қарорлар ижросини кўриб чиқдик. Шунингдек, «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази раҳбарининг ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботга кўра, туманда жорий йил бошидан буён 72 нафар ногиронлиги бўлган шахс бандлиги таъминланган. Яқинда яна 21 нафар ногиронлиги бор фуқаро ишга кириши учун тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Биз уларнинг бандлигини таъминлаш масаласини қатъий назоратга олганмиз.

Сессияда, шунингдек, ногиронлиги бўлган инсонлар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги, уларга тўқсиз муҳит яратиш билан боғлиқ таклифларимизни бердик.

Ушбу сессияда ўтириб, депутатлар фаоллиги ҳақида ўйладим. Ҳозир ёниб турган, мард, ўз фикрини дадил айта оладиган депутатларимиз жуда кўп. Бундай депутатлар мақсадига эришмай қўймайди. Шунинг учун ҳозир сессиялар анча мунозарали, савол-жавоб ва қизгин кечяпти. Яхши таклифлар ва фикрлар пайдо бўляпти. Аммо фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечимини учун охиригача курашиш шарт ва зарур.

\*\*\*

Асосийси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари жойлардаги реал вазиятни ўз кўзи билан кўриб, одамлар билан юзлашмоқда. Шунинг учун улар ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳудудлардаги амалий натижадорлигини ипидан игнасигача билди, десак адашмаймиз. Уларни куруқ қоғоздаги рақамлар билан чалғитиб бўлмайди.

Сайловчиларга кулоқ тутиш, улар билан елкама-елка туришда гап кўп.

Лазиза ШЕРОВА,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.





СИЁСИЙ ПУЛЬС

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ДУНЁ БИЛАН ҲАМҚАДАМ

**Жорий йилнинг 28 февраль куни давлат раҳбари қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш юзасидан ўтказган ййгилишда "яшил энергия" қувватларини яратиш бўйича уч йиллик дастур аҳамияти ва заруратини таъкидлаган, ушбу даврда 28 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилиши, 944 километр юқори кучлинишли тармоқлар ва 6 та йирик подстанция қурилиши маълум қилинган эди. Хусусан, 2024 йилда "яшил энергия" ҳажмини 13 миллиард киловатт-соатга етказиш устувор вазифа қилиб белгиланганди.**

Янги йил остонасидамиз. Одатда ҳар бир инсон тугаётган йилнинг ўз ҳаётида қандай из қолдирганини сарҳисоб қилиб, янги орзу-мақсадларни қалбида туйгани каби мамлакат ҳам ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалий натижадорлигини ўрганган ҳолда ривожланишнинг галдаги марралари сари пешвоз чиқади. Худди шундай, юртимиз тарққиётида тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бораётган энергетика тизимида 2024 йил учун белгиланган вазифалар нечоғлик рўёбга чиқди, деган савол тўғилиши табиий. Бунга жавобан эса ўтган ҳафтадаги муҳим воқеалардан бирини келтириш kifоя.

Хабарингиз бор, 13 декабрь куни пойтахтимизда янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари бошчилигида 7,2 миллиард долларлик қуввати 4,4 ГВт бўлган 24 та лойиҳа, жумладан, 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувватни ишга тушириш ва навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт берилди. Бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ва, асосийси, экологик жиҳатдан афзал бўлган "яшил энергетика"га ўтишда янги давр деб ҳисобланади.

## ТОЗА ЭНЕРГИЯ ЭРАСИ БОШЛАНМОҚДА

"Яшил энергия" атамаси орқали кўп ҳолларда қайта тикланадиган энергетик манбаларга нисбат берилди. Аслида "яшил энергия" - бу атроф-муҳитга зарар етказмасдан энергия ишлаб чиқариш демакдир. Бугунги кунда қайта тикланадиган энергия манбалари кўп: қуёш, шамол, геотермал, гидро, биоэнергиялар... Эътиборлиси, ҳозирга келиб Ер юзидан қайта тикланадиган энергия манбалари жаҳон электр энергияси ишлаб чиқаришининг қарийб 30 фоизини ташкил этмоқда. "Дунё тоза энергия даврига кириб боряпти", демакда таҳлилчилар. Айниқса, Германия, АҚШ, Хитой, Испания, Франция, Италия каби йирик давлатлар "яшил энергия"ни ривожлантиришга фаол сармоя киритмоқдалар. Бу уларга карбонат ангидрид чиқиндиларини камайитириш ва нефть ва газ импортдан мустақилликни ошириш имконини беради.

Маълумки, кўмир, нефть ва газ каби анъанавий ёқилғилар глобал иқлим ўзгаришига сабаб бўлиб, иссиқхона газлари чиқиндиларининг 75 фоиздан ортиги ва барча карбонат ангидрид чиқиндиларининг қарийб 90 фоизи ушбу энергетик манбалар ҳисобига тўғри келади. Илмий далилларга кўра, иқлим ўзгаришининг энг оғир оқибатларидан қочиб учун ҳам 2030 йилга қайта бўш эмиссиялар деярли

ярмига қисқартирилиши керак. Бунинг учун эса қазиб олинадиган ёқилғиларга қарамликни тугатиш, экологик тоза, қулай, арзон, барқарор ва ишончли мўқобил энергия манбаларига сармоя киритиш ҳар бир давлат олдида турган долзарб масалалардир.

## НИМА УЧУН КЕРАК?

Дунё "яшил энергия"га ўтиши учун халқаро экспертлар жиддий



БУГУНГИ КУНДА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ КЎП: ҚУЁШ, ШАМОЛ, ГЕОТЕРМАЛ, ГИДРО, БИОЭНЕРГИЯЛАР... ЭЪТИБОРЛИСИ, ҲОЗИРГА КЕЛИБ ЕР ЮЗИДА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ЖАҲОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҚАРИЙБ 30 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

сабабларни келтирадилар. Уларнинг ўрганишича, ҳозирда сайёрамизда 6 миллиардга яқин одам бошқа мамлакатлардан қазиб олинадиган ёқилғиларга қарам ва шунинг учун геосиёсий зарбалар ва инқирозларга қарши ҳимояси.

Қазиб олинадиган ёқилғилардан фарқли ўларок, қайта тикланадиган энергия манбалари барча мамлакатларда мавжуд ва уларнинг салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаган. Қайта тикланувчи энергия бўйича халқаро агентлик (IRENA) ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб жаҳон электр энергиясининг 90 фоизи қайта тикланадиган манбалардан олиниши мумкин ва керак. Зеро, "яшил энергия" мамлакатларга ўз иқтисодларини диверсификация қилиш ва қазиб олинадиган ёқилғиларнинг олдидан айтиб бўлмайдиган ўзгаришлардан ҳимояланишга шароит яратади. Шу билан бирга инклюзив иқтисодий ўсишни, иш ўринларини яратиш ва қашшоқликни камайитиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни рағбатлантиради.

Бугунги кунда қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш аслида дунёнинг аксарият минтақаларида энергия таъминотининг энг арзон вариантидир. Қайта тикланадиган энергия технологиялари нархлари тез пасаймоқда. 2010 ва 2020 йиллар оралиғида қуёш энергияси нархи 85 фоизга камайди. Қуруқлик ва денгизда шамол энергияси нархи мос равишда 56 ва 48 фоизга пасайди. Нархларнинг тушиши қайта тикланадиган энергияни ҳамма учун, жумладан, паст ва ўрта даромадли мамлакатлар учун янада жозибадор қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг 90 фоиз-

дан зиёди (бу хавотирли рақам, албатта!) нафас олаётган ҳаво сифати инсон саломатлигига хавф соладиган даражададир. Дунё бўйлаб ҳар йили 13 миллиондан ортиқ ўлимнинг олдини олиш мумкин бўлган сабаблар орасида ҳавонинг ифлосланиши ҳам бор. Демак, тоза энергия манбаларига ўтиш иқлим ўзгаришлари, ҳавонинг ифлосланиши ва аҳоли саломатлиги ёмонлашувига оид муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Қайта тикланадиган энергияга йўналтирилган бир доллар сармоя қазиб олинадиган ёқилғиларга киритилган сармоядан уч баробар кўп иш ўринларини яратади. Ноль чиқиндиларга ўтиш энергетика соҳасида иш ўринлари кўпайишига олиб келади. Бу 2030 йилга бориб тоза энергия ва кам эмиссияли технологиялар соҳасида жами 30 миллиондан ортиқ иш ўрни яратилиши мумкинлигини англатади.

мутлақо янги даражага кўтариш, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Табиийки, барқарор, ишончли энергия ресурсларисиз бу мақсадларга эришиб бўлмайди. "Яшил энергия" бу борада ҳар тарафлама қулай ва кафолатлидир. Шунингдек, глобал муаммага айланган иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини юмшатиш Ўзбекистон олдида турган стратегик вазифалардан ҳисобланади. Бугун дунёда "яшил энергия"дан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга алоҳида устунлик берилмаётганини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

"Яшил иқтисодиёт"ни жорий қилиш "яшил энергетика"ни ривожлантириш, жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бу жиҳатдан юртимиз улкан салоҳиятга эга. Халқаро молия институтларининг ҳисоб-китобига қараганда, республикамизда мўқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжimizдан уч қарра кўпни ташкил этади.

Англашиладики, "яшил энергетика" тизими иқтисодиётимиз учун мислсиз фойда келтириши баробарида аҳолининг, ижтимоий муассасаларнинг куз-киш мавсумида электр энергияси, иссиқлик таъминотидаги муаммоларига узил-кесил барҳам беради.

## ЯНГИ ДРАЙВЕР

Сўзимиз бошида қайд этганимиздек, ўтган ҳафтада Президентимиз йирик электр станцияларни ягона электр тармоғига улаш ва янгиларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди.

Бу лойиҳалар Саудия Арабистонининг "ACWA Power", Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar", Хитой Халқ Республикасининг "China Energy Overseas Investment" ва "SNTIC" ҳамда Германиянинг "Hyper Partners" компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида қарийб 2,3 минг мегаватт



БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, "ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА" МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШДА ЯНГИ ДРАЙВЕРГА АЙЛАНМОҚДА.

қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори кучлинишли подстанция қуриб битказилди. Ўзбекистонда илк бор Андижон ва Фарғонада 300 мегаваттли энергия сақлаш тизими барпо этилди. Қашқадарёда 400 мегаваттли электр станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 4 та кичик ГЭС шай ҳолатга келтирилди. Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда 2,5 минг мегаваттли 6 та электр иншооти қурилиш арафасида.

Ушбу янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежалани, атмосферага 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқарилиши олди олинади. Энг муҳими, 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади. Бу иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Маросимда таъкидландики, мамлакатимизда хусусий секторга кенг йўл очилгани натижасида охириги беш

йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келган. Аввал тўлиқ давлат тасарруфида бўлган бу тизимда 24 та мустақил энергия ишлаб чиқарувчи фаолият бошлаган. "Яшил энергетика" соҳасида 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилди. Бунинг натижасида жорий йилда тармоқда "яшил энергия" улуши 16 фоиздан ошди.

Давлат раҳбари соҳадаги режаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Биринчидан, 2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт "яшил қувват"лар барпо этилиб, қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Хусусан, 2025 йилда 3,4 минг мегаваттлик 18 та қуёш ва шамол станцияси, 1,8 минг мегаваттлик сақлаш тизимлари ишга туширилади. Бунинг натижасида келгуси йили "яшил энергия" ишлаб чиқариш ҳажмлари 12 миллиард киловатт соатга етади. Яқин икки йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортиқ кичик ва микро ГЭСлар ташкил қилиш бўйича катта дастур амалга оширилади. Келгуси йил якунига қадар рақобатли савдо орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади. "Яшил энергетика" йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилиши эса яна бир устувор мақсадлардандир. Бинобарин, бу борада илк қадамлар қўйилди - "СОР29" доирасида Қозғистон, Озарбайжон ва Саудиялик ҳамкорлар билан "яшил энергия"ни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича битим имзоланди.

Марказий Осиё электр энергияси ишлаб чиқариш учун бир вақтнинг ўзида қуёш, шамол, сув каби табиий ресурслар бўйича катта салоҳиятга эга. Бу борада минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилади.

Бир сўз билан айтганда, "яшил энергетика" мамлакатимиз иқтисодиётини, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда янги драйверга айланмоқда.

- Бугунги тадбир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очади.



Фарида МАҲҚАМОВА,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.





## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Гувоҳи бўлмоқдамизки, юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиб бериш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришларига, тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида фаол қатнашишларига, ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришларига имкон яратиб берилмоқда. Бу эзгу ишлар замирида халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар мужассамдир.



## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРГА ИСЛОМДА ТАНГЛИК ЙЎҚ

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг: Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай, дея айтилган сўзларини эслашнинг ўзи мақсад эзгулик бўлса, ортидан улғур ажр ҳам намоеъ бўлишига ишора бергандек.

Этиборлиси, ислом динида жисмонан заиф, кўмакка муҳтож кишиларга меҳр кўрсатиш лозимлиги таъкидланади. Ғамхўрликка муҳтож кишиларни доимо ҳурмат қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш буюрилади. Қуръони Каримда бир неча ўринларда уларга мушкулларини енгиллатиш, қулайлик яратиш ҳақидаги оятлар нозил бўлган. Аллоҳ таоло айтади: "Заифҳолларга, беморларга ва сарф-харажат қиладиган нарса топа олмаётганларга, агар Аллоҳга ва Расулига ихлосли бўлсалар, насиҳат қилсалар, гуноҳ йўқ. Яхшилик қилувчиларни айблашга йўл йўқ. Аллоҳ мағфиратлидир, раҳмлидир". (Тавба, 91). Яъни, агар заифҳоллар ва беморлар соғлом биродарлари билан биргаликда жанг қилолмасалар, ҳеч қандай машаққат йўқдир.

Шунингдек, "Нур" сурасининг 61-оятида айтиладики: "Кўзи ожизга танглик йўқ. Чўлоққа ҳам танглик йўқ. Беморга ҳам танглик йўқ". Яъни, яқин қариндошлар уйларида еб-ичиш масаласида танглик, ноқулайлик йўқ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: "Ким бир мусулмоннинг дунёдаги ғам-ташвишини кетказса, Аллоҳ ундан қиёмат кунини ғамлардан бир ғам-ташвишини кетказсади. Кимки, қийналган кишига енгиллик қилса, Аллоҳ унга дунё ва охирада енгиллик қилади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг дунё ва охирада айбини беркитади. Модомики, банда биродарининг ёрдамида бўлар экан, Аллоҳ ушбу банданинг ёрдамида бўлади". (Абу Довуд ривояти)

Жисмида беморлиги бор кишилар ичидан энг кўп ёрдамга муҳтожроқ киши кўзи ожизлардир. Муҳаддис уламолар Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг уларга қанчалик этибор қилганликларини кўрсатиб, китобларида куйидаги ҳадисларни келтирганлар. Ибн Умар розияллоху анхундан ривоят қилинади: "Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: "Ким бир кўзи ожизни қирқ қадам етакласа, унга жаннат вожиб бўлади", дедилар.

Бу ҳадислардан кўзи ожиз кишига ёрдамлашиш ва уни етаклаб манзилига олиб бориб қўйиш нечоғлик улкан ажрга сабаб бўлиши очик-ойдин кўришиб турибди.

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифни дастур билган салафи солиҳлар ногиронлиги бор кишиларга алоҳида ғамхўрлик қилиб, ўзларидан кейингиларга муносиб намуна

кўрсатганлар. Масалан, Умар ибн Абдулазиз мусулмонлар диёрида қийин аҳволдаги кишилар ададини ҳисоблаб чиқишга буюриб, ҳар бир ногиронлиги бор кишиларга парваришловчи ва табибларни бириктирганлар. Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллох ғамхўрликка муҳтож кишилар учун байтулмолдан нафақа ва масъул тайинлашни жорий қилиш лозимлигини таъкидлаганлар.

Кўриниб турибдики, динимизда жисмида ногиронлиги бор кишиларга кўмаклашиш улғур иш ҳисобланади. Демак, кимнинг уйда ёки атрофида шундай беморлар бўлса, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш ва ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш лозим. Зеро, бундай гўзал амал жамиятда-

ги барчани бир-бир билан боғлашга, ўзаро меҳр-муҳаббатни уйғотишга ва улкан ажр савобларни ҳосил қилишга сабаб бўлади.

Хулоса сифатида айтишимиз лозимки, меҳр-муруватли ва бағрикенг халқимиз азал-азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган инсонларга этибор ва ғамхўрлик кўрсатишни жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни муштақамлашга хизмат қиладиган энг муҳим кадриятлардан бири сифатида эъзозлаб келади.

Ана шундай эзгу анъаналаримизни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда имконияти чекланган фуқароларимизни кўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилаётгани янада қувонарли ҳолдир.

**Мусоҳон АББАСИДДИНОВ,**  
**Наманган вилояти Бош имом хатиби.**



## АСОСИЙ СТАВКА ЯНА ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИ

**МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЙИҒИЛИШДА АСОСИЙ СТАВКАНИ ЙИЛЛИК 13,5 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА САҚЛАБ ҚОЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

**СЎНГГИ ИККИ ОЙДА ЙИЛЛИК ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ БИРОЗ ПАСАЙИБ, НОЯБРЬ ОЙИ ЯКУНИДА 10 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ИНФЛЯЦИЯНИНГ ПАСАЙИШИ, АСОСАН, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛАШУВИ ҲИСОБИГА ЮЗАГА КЕЛГАН.**

Иқтисодиётда шаклланаётган юқори истеъмол ва инвестицион фаоллик ҳисобига хизматлар ва ноозиқ-овқат товарлари нархида ўсиш хатарлари мавжуд. Аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари доирасидаги айрим харажатларнинг ўзгариши ва об-ҳаво совуши билан энергия нархлари эркинлаштирилишининг иккиламчи таъсирлари иқтисодиёт субъектларининг инфляцион қутилмаларида ҳам намоеъ бўлаётир. Ноябрь ойида аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион қутилмалари мос равишда 13,7 ва 12,7 фоизгача тезлашган.

Сўнги тўрт ойда базавий инфляциянинг 7 фоиз атрофида сезиларли ўзгаришсиз шаклланаётгани, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар базавий инфляциясининг нисбатан юқори даражаси ҳамда чакана савдо ва хизматлар соҳасида тушумлар ҳажмининг ошириб бораётганини қайд этмоқ керак. Шунингдек, ялпи талабнинг барқарор ўсиш суръатлари ва меҳнат бозоридаги фаоллик инфляцион босимларнинг узокроқ муддат сақланиб қолишига ишора бермоқда. Иқтисодиётда иш ҳақи ва трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми ўсиши аҳоли даромадларини реал ҳисобда ошириб, юқори инвестицион фаоллик шароитида келгуси ойларида ҳам ялпи талабни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, ЯИМнинг ўсиши 2024 йил иккинчи ярмида ҳам барқарор

тенденцияларни намоеъ этиб, йил якунида 6-6,5 фоиз атрофида шаклланиши қутилмоқда.

Ўрта муддатли истиқболда инфляциянинг 5 фоизлик таргетига барқарор пасайишига эришиш учун пул-кредит шароитларини етарлича қатъий даражада шаклланиши таъминлаб борилади. Бунда, иқтисодиётдаги талаб ва таклиф мутаносиблиги, инфляцион қутилмалар ва таркибий ислохотлар суръатларига алоҳида этибор қаратилади.

Марказий банк бошқарувининг асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича навбатдаги йиғилиши 2025 йил 23 январга белгиланган.

**\*\*\***  
**Инфляция даражаси охириги 15 ойдаги максимумга етган**

Марказий банк ўтказган сўров натижаларига кўра, ноябрда Ўзбекистон аҳолиси орасида сезилган инфляция даражаси 14,1 фоизгача кўтарилган. Бу охириги 15 ойдаги максимал кўрсаткич ҳисобланади.

Регулятор маълумотида қайси товар ва хизматлар энг кўп қимматлашгани

бўйича саволга респондентларнинг жавоблари келтирилган.

Кузнинг сўнги ойида гўшт ва сут нархи кескин ошганини қайд этган респондентларнинг улуши юқори даражада сақланиб қолинди – 47 фоиз (октябрда бу кўрсаткич 51 фоиз эди). Шу билан бирга, бензин ва ёқилғи (пропан, метан) нархларининг ошганини қайд этган респондентларнинг улуши 42 фоизга, электр энергияси ва газ нархи кўтарилганини кўрсатганлар 39 фоизга етган.

Аҳоли ўсимлик ёғи нархи ошганини ҳам кўрсатган, бундай фикрдаги респондентлар улуши 29 фоизни ташкил этди (ўтган ойда 24 фоиз эди). Кейинги ўринларда дори-дармонлар (28 фоиз, ўтган ойда ҳам 28 фоиз эди), сабзавот ва мевалар (24 фоиз, 20 фоиз эди), тухум (15 фоиз, 11 фоиз эди) қайд этилган.

Октябрь ойига нисбатан қурилиш материаллари (18 фоиз), кафе ва ресторан хизматлари (16 фоиз), гуруч (13 фоиз) ва таълим хизматлари (13 фоиз) нархлари ошганини белгиланганлар улуши камайган.

Худудлар кесимида Тошкент шаҳрида инфляция даражаси юқори – ўртача 18 фоиз (октябрь ойида ҳам 18 фоиз эди). Кейинги ўринларда Тошкент вилояти (16,1 фоиз), Сирдарё (15,3 фоиз), Қашқадарё (14,8 фоиз), Наманган (14,7 фоиз) турибди.

Аҳоли гуруҳлари орасида инфляциянинг юқори сезилган даражасини пенсионерлар қайд этган. Таълим соҳаси вакиллари ҳам нархлар нисбатан тезроқ ўсганини қайд этган – 15,3 фоиз).

Даромадлари 15 млн сўмдан ортик бўлган шахслар учун сезилган инфляция даражаси 13,8 фоиздан 17,8 фоизгача, 10–15 млн сўм оралига бўлганлар учун 13,5 фоиздан 16 фоизгача, 7–10 млн сўм бўлганлар учун 14,1 фоиздан 15,2 фоизгача кўтарилган. Даромадлари 4 млн сўмдан кам бўлган респондентлар октябрь ойига нисбатан пастроқ даражадаги инфляцияни сезган.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, инфляциянинг расмий эълон қилинадиган даражаси аксарият уй хўжалиқларининг талаблари асосида шакллантириладиган бўлиб, ўзида ИНИ (истеъмол савати) даги барча товар ва хизматларнинг умумий нарх даражасининг ўзгаришини акс эттиради. Шахсий (сезилган) инфляция бир шахс ёки оиланинг кундалик ҳаётида истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши асосида шаклланади.

Агар мунтазам равишда сотиб оладиган товарнинг нархи ошиб кетса, унинг нархи кундалик ҳаётда камдан-кам сотиб оладиган товарнинг нархидан кўра кўпроқ ўсгандек туюлади. Мунтазам равишда сотиб олинмаган товар учун тўлов бюджетнинг кичик бир қисми бўлишига қарамай, барибир у истеъмолчида нархлар сезиларли даражада ошгандек таассурот уйғотади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**





## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



## Матонатли ва жасоратли аёл

Матонат ва жасорат тимсоли бўлган замондошимиз фаолияти билан танишиш мақсадида Денов туманининг "Сурхон дийр" маҳалласига бордик.

– Қувончларимнинг чеки йўқ, – дейди хушнудлик билан қарши оларкан қахрамонимиз. – Хурсандчилигимни қандай ифодалашни ҳам билмаяпман. Аслида, ҳар бир нарсани яхшилик ва эзгуликка йўйиш керак экан. Шунда орзулар ижобат бўлиб, ниятлар амалга ошаркан. Буни ўз ҳаётим мисолида кўрдим.

Хуллас, 12 декабрь куни кеч соат 20 ларда кўнгирик бўлди, денг. Термизга йиғилиш борлигини айтишди. Мажлисда Президентимиз фаолиятимга тўхталдилар. Амалга оширган ишларим тилга олинди. Ҳаяжондан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Нукул титрайман. "Наҳотки, наҳотки...", дейман ўзимга-ўзим. "Мардлик" ордени топирилганда эса кўзларимдан севинч ёшлари келди.

– Умр – ҳикмат, яшаш – зийнат, дейдилар. Аммо турмуш бир текис кечмаслиги табиий. 2021 йилнинг охирида ҳаётингизда кўнгилисиз воқеа рўй берган экан...

– Ўшанда куз ойлари эди. Айни пишиқчилик палласи. Маккажў-хорини комбайндан ўтказиш учун далага бордик. Поя ташлаётганимда,

техника либосимдан "тортиб" кетди. Баҳайбат трактор 2-3 метрга "ирғитиб" юборганда аллақачон икки оёғдан айрилгандим...

Инсон ёруғ кунларга интилиб яшайди. Келажакка умид қилиши табиий. Мен ҳам турмуш ўртоғим ва уч нафар фарзандимга кераклигимни англадим. Қайнонамдан қолган эски тикув машинкасида касаначиликни йўлга қўйдим. Яшаш учун курашдим. Қишлоқ аёлларининг буюртмасига асосан либослар тика бошладим. Қизиқувчилар ортди. Шогирдлар сафи кенгайди. Қисқа даврда 40 нафар қишлоқ аёлларининг бандлиги таъминланган бўлса, 50 дан ошиқ хотин-қизлар хунар сирларини мукамал ўрганишди.

Оталарча ғамхўрлик кўрсатган давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилман. Кўпдан буён гулчиликни йўлга қўйишни ўйлаб юргандим. Мақсадим ижобат бўлиб, 2 сотихли иссиқхона барпо этилди. Бундан ташқари, 60 ўринли тикувчилик цехи ташкил қилиш арафасидамиз. Яқин келажакда қишлоқ хотин-қизлари учун яна юзга яқин янги иш жойлари яратилади.

Ўзининг мустақкам иродаси ва метиндек матонати билан ўзбек аёлининг жасоратини дунёга намён этган Дилором Йўлдошеванинг ҳаёти ҳақиқий маънода ибрат мактаби бўлиши муқаррар.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**



ИНСОН ЁРУҒ КУНЛАРГА ИНТИЛИБ ЯШАЙДИ. КЕЛАЖАККА УМИД ҚИЛИШИ ТАБИЙ. МЕН ҲАМ ТУРМУШ ЎРТОҒИМ ВА УЧ НАФАР ФАРЗАНДИМГА КЕРАКЛИГИМНИ АНГЛАДИМ. ҚАЙНОНАМДАН ҚОЛГАН ЭСКИ ТИКУВ МАШИНКАСИДА КАСАНАЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИМ. ЯШАШ УЧУН КУРАШДИМ.



## ВАҚТИНЧА УЗИЛИШЛАРГА САБАБ НИМА?

Тошкент шаҳар ҳокими Шавкат Умарзақовга "Пойтахтимизнинг айрим туманларида электр энергиясида вақтинчалик узиллишлар кузатилиши мумкинлиги ҳақида расмий ахборот тармоқларида хабарлар берилмоқда. Умуман олганда, қишнинг совуқ кунларида бундай узиллишлар сабабини қандай изоҳлайсиз?" деган савол билан юзландик.

– Электр таъминоти тизимини такомиллаштириш давом этмоқда, – деди Ш. Умарзақов. – Хусусан, пойтахтимизда истеъмолчиларни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш ва эҳтимолий талофатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йил бошидан 170 та трансформатор пунктини алмаштириш ҳамда янгилашга киришилган. Бугунги кунга қадар 120 та трансформатор алмаштирилди, 23 тасини ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, таъминоти янада яхшилаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги маблағи ҳисобидан 50 та трансформатор харид қилинди ва туманларга тақсимланди.

Трансформаторлар тўлақонли, барқарор ишлаши учун уларнинг иш ҳажми 56 фоиздан ошмаслиги лозим. Аммо кўплаб трансформаторларнинг қуввати 90 фоиздан ортиб кетаётгани боис каттароқ қувватлисига алмаштириш талаб қилинмоқда. Янги трансформаторни ўрнатиш ва ишга тушириш вақтида маънавий-маърифий таъминлаш учун истеъмолчилар вақтинчалик электр таъминотидан узиллиши эса табиий ҳол.

Бугунги кунда Яшнобод туманидаги "Олмос" ва Шайхонтохур туманидаги "Тошкент СИТИ" подстанциялари қуриб, фойдаланишга топширилган, қолган 3 та подстанцияни қуриш ишлари давом этмоқда. Булар "Янги Ўзбекистон", "Янгиҳаёт Технопарки" ва "Юнусобод" подстанцияларидир.

**"Ўзбекистон овози" мухбири,**  
**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.**

## ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ СЕЗИЛАРЛИ КАМАЙДИ

**Акциядорлик тижорат Халқ банки бош офисига "Очиқ эшиклар" куни ўтказилди. Унда мазкур банк тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хатарларнинг олдини олиш, бартараф қилиш, бунинг учун замонвий аксилкоррупциявий тизимларни жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.**

– Банкимизда коррупцияга қарши кенг қамровли кураш олиб борилмоқда, шаффофлик принциплари босқичма-босқич амалиётга татбиқ қилинмоқда, – дейди Халқ банки бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Рўзиев. – Хусусан, ҳар бир йўналиш бўйича натижалар расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар, медиа ресурслар ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказилапти. Коррупцияга қарши курашиш мақсадида хизмат кўрсатишда инсон омилини камайтириш ва банк фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, банкимизнинг Ички назорат ва комплаенс хизмати ходимлари томонидан Халқ банкига ишга қабул қилиш учун 2024 йилда 759 та ҳужжат топширган номзодлар ўрганилиб, тегишли хулосалар берилган.

Шунингдек, тендер, танлов ва тўғридан-тўғри харидларни амалга ошириш жараёнида иштирокчилар (контрагентлар) да аффилиланглик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларнинг олдини олиш мақсадида 170 та контр-



агент ўрганилиб, тегишли хулосалар берилган. Ички назорат ва комплаенс департаменти кунлик банк операцияларини тўлиқ назоратдан ўтказиб, аниқланган ҳар қандай қонунбузилиш ҳолати бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериб келмоқда.

– Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ҳамда коррупцион ҳолатлар аниқланганда зудлик билан департаментимизга хабар бериши таъминлаш мақсадида komplayens@xb.uz электрон почтаси ҳамда "Тезкор хабар" мобил иловаси жорий этилган, – дейди Ички назорат ва комплаенс департаменти директори ўринбосари Бекзод Райимов. – Мазкур алоқа каналлари билан келиб тушган муружатлар инсон омилсиз автоматик равишда қабул қилиниб, аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли тартибда чоралар кўриб борилади. Хусусан, 2024

йил январь-ноябрь ойлари давомида бу йўналишдаги самарали ишлар натижасида ўзлаштириш ва шу каби ноҳуш ҳолатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 47 фоизга камайган. Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, жорий йилнинг май ойида банкнинг коррупцияга қарши менежмент тизими ISO 37001:2016 халқаро стандартининг мувофиқлик сертификатини қўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, 2024 йилда ушбу молия муассасаси тизимида коррупциясиз соғлом муҳитни яратиш, очиқ ва ошқора тизимни шакллантириш борасида салмоқли амалий ишлар қилинган.

Тадбир сўнггида журналистлар, жамоатчилик фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Тоштемир МУРОД.**

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ЯНГИЧА РУҲ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ҳудудида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маданият департаменти биноси очилди.

Мазкур ишшоот тўрт қаватдан иборат бўлиб, унинг қуйидаги икки қаватида вазирлик Маънавият ва маданият департаменти, 3-, 4-қаватида эса Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти фаолият олиб боради.

Маънавият ва маданият департаменти мутлақ янги таркибий-штат тузилишида ташкил этилиб, унга Қуролли Кучлар Марказий ашула ва ракс ансамбли, Алоҳида кўргазмали-намунали ҳарбий оркестр, Қуролли Кучлар давлат музейи, "Турон" ҳарбий театри бириктирилди. Шунингдек, жойлардаги бешта гарнизон Маънавият ва маърифат марказлари, 16 та ҳарбий оркестр ҳамда 56 та ҳарбий қисм Маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам унинг зиммасига юклатилди.

Замонавий талаб ва формат асосида ишга тушган муассасада 277 ўринга мўлжалланган

катта анжуманлар зали, театр хоналари, ансамблнинг вокал, хор, балет ва созандалар гуруҳлари учун алоҳида репетиция хоналари ҳамда овоз ёзиш студияси мавжуд. Барчаси замонвий ускуналар билан жиҳозланган. Анжуманлар залида маънавий-маърифий тадбирлар, жонли ижродаги концерт дастурлари, театр томошалари, кинофильмлар намойиш этиш учун шароитлар яратилди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти эса, табиийки, мудофаа соҳасидаги ислохотларни ОАВ орқали кенг тарғиб этиб, вазирлик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш йўлида хизмат қилади. Армия ҳаётига оид янгиликлар билан жамоатчиликни мунтазам таништириб боради.

Департамент Ахборот-медиа ва "Ватанпарвар" бирлашган тахририяти бошқармалари, Электрон оммавий ахборот воситалари ва Веб-ресурслар билан ишлаш ҳамда фаолиятини таъминлаш бўлим ва бўлимчаларини ўз ичига олади.

Бугунги кунда департамент томонидан дав-

лат ва нодавлат телеканаллари билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги "Ўзбекистон армияси", "Ватанпарвар", "Армия спорти", "Мен ҳарбий бўлман" кўрсатувлари, инфорацион дастурлар учун хабар ва лавҳалар, шунингдек, буюк аждодлар ва миллий қахрамонларимизни мадҳ этувчи видеоматериаллар доимий равишда тайёрлаб келинмоқда.

Шу билан бирга, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар, тизимдаги янгилик ва хабарлар тезкор тайёрланиб, расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда изчил ёритилмоқда. Фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш ва соҳадаги ахборотларни кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида республика ахборот агентликлари, электрон нашрлар ва блогерлар билан мустақкам алоқалар ўрнатилган.

Айни пайтда департамент фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида телеканаллар ва махсус лойиҳалар билан ишлаш хоналари, овоз ёзиш ва 7 та телемонтаж хоналари ҳамда 300 кв метрга эга бўлган "Армия студияси" павильони ўз фаолиятини мунтазам давом эттир-



моқда. Миллий армиямизнинг шонли тарихини акс эттираётган "Ватанпарвар" газетаси тахририяти ҳам ушбу бинода юқори кўлайликлар асосида иш олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг тегишли қарори билан Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази негизда Маънавият ва маданият департаментининг ташкил этилиши чин маънода вазирлик тизимида аввал тарқоқ бўлган маданий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларни аниқ мақсад йўлида бирлаштирди.

**Ўз мухбиримиз.**



Хуршидабону НАЗАРОВА,  
"Ўзбекистон овози" мухбири

**29 НОЯБРЬ КУНИ ИРЛАНДИЯ ПАРЛАМЕНТ ҚҲИИ ПАЛАТАСИ – ДОЙЛ ЭРЕНГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ. УНГА БИНОАН МАРКАЗЧИ КОНСЕРВАТИВ "ФИНЕ ГЭЛ", ЛИБЕРАЛ-КОНСЕРВАТИВ "ФИАННА ФОЙЛ" ВА ЯШИЛЛАР ПАРТИЯСИДАН ИБОРАТ ҲУКМРОН КОАЛИЦИЯ ҲУКУМАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН 88 ТА ЎРИННИ ҚЎЛГА КИРИТА ОЛМАДИ.**

**ИРЛАНДИЯДА ЯГОНА УЗАТИЛАДИГАН ПРОПОРЦИОНАЛ ОВОЗ БЕРИШ ТИЗИМИ АМАЛ ҚИЛАДИ. ЯЪНИ, САЙЛОВЧИЛАР ЎЗЛАРИ АФЗАЛ КЎРГАН НОМЗОДЛАРИНИ КАМАЙИШ ТАРТИБИДА ТАСНИФЛАШАДИ, БИРИНЧИ НОМЗОДНИ 1 РАҚАМИ БИЛАН, ИККИНЧИ НОМЗОДНИ 2 РАҚАМИ БИЛАН БЕЛГИЛАЙДИЛАР.**

18 ёшга тўлган ҳар бир сайловчи битта овозга эга ва битта номзодга овоз бериши ёки сайлов бюллетенига устуворликларни қўйиш орқали овоз бериши мумкин. Қўйи палата 43 та сайлов округидан сайланадиган 174 депутатдан иборатдир. Бу йилги сайловда жами 700 га яқин номзод, жумладан, 20 та партия аъзолари ва 170 дан ортиқ мустақил номзодлар қатнашди.

Сайлов натижаларига қайтсак, Мишол Мартин бошчилигидаги "Фианна Фойл" партияси 48 мандатни банд этиб, энг кўп ўринни эгаллади. Бу аввалги сайловга нисбатан 10 тага кўпдир. Партиянинг сайлов кампанияси вазмин, ишончли, ҳеч қандай хатоликсиз ўтиб, муваффақият келтирди. Энди Мишол Мартин яна Ирландия Бош вазири лавозимини эгаллаши ва "Фине Гэл" партияси иштирокида ҳукумат тузиши кутилмоқда. Қайд этиш лозимки, у 2020 йилнинг июнидан 2022 йилнинг декабригача Бош вазир курсисидан ўтирган.

Мэри Лу МакДональд бошчилигидаги "Шинн Фейн" сўл миллатпарвар партияси қўйи палатада 39 та ўрин олди. Бу 2020 йилги сайловдаги натижадан 2 тага кўпдир. Гарчанд, маълум бир округларда муваффақиятга эришилган, натижа яхшироқ ва асосий рақобатчидан биттага кўп мандат олинган бўлса-да, сиёсий воқелик партияни аутсайдерлар қаторига қўшган.

Мамлакатнинг амалдаги Бош вазири Саймон Харрис бошчилигидаги "Фине Гэл" партияси ҳам аввалги сайловлар билан таққослаганда ўз вақилигини 3 тага оширди. Бироқ, 38 та мандат олиб, 3 ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Рақобатчи партияларга нисбатан бу партия бутун кампания мобайнида турли можаролар қуршовада қолди. Жорий йилнинг март ойида партия етакчилигига сайланган Саймон Харрис маслакдоши Лео Варадкарнинг истеъфосидан, коалициявий келишувнинг бир қисми сифатида режалаштирилган ротациядан сўнг Бош вазир лавозимини эгаллаганди. 38 ёшли Харрис Ирландия тарихидаги энг ёш Бош вазирдир.

Бу йилги сайловда коалиция бўйича кичик ҳамкор Яшиллар партияси позициясидан кескин айрилди. Қўйи палатадаги 12 та ўриндан атига 1 таси сақлаб қолинди. Лейбористлар ва социал демократларга 11 дан ўрин насиб этган бўлса, мустақил номзодларнинг 16 нафари парламентдан жой олди.

## ПАРЛАМЕНТ НЕГА ТАРҚАТИЛДИ?

Аслида навбатдаги сайловлар 2025 йилнинг март ойида ўтказилиши лозим эди. Бироқ, Саймон Харриснинг илтимосига биноан мамлакат Президенти Майкл Д. Хиггинс томонидан 8 ноябрь куни парламент тарқатиб юборилди. Бу ўнг марказчи консерватив партиялар "Фине Гэл" ва "Фианна Фойл"нинг



# ҲОКИМИЯТ БЎЛИШИЛМАЙДИМИ?

ҳукмрон коалицияси ўз позициясини яхшигина мустақамлагани, уларнинг асосий рақиб – сўл марказ республикачилар партияси "Шинн Фейн" эса аксинча, сезиларли даражада обрўсизлангани билан боғлиқдир.

"Шинн Фейн" етакчилари болаларни ҳимоя қилиш, миграцияга алоқадор масалаларда аниқ позицияга эга эмаслиги ва жамоатчиликка маъқул келмаган баёнотлари билан эътибордан қолган.

Парламент тарқатилишининг янада чуқурроқ сабаби эса узоқ муддатли уй-жой инқирози ва Европа Иттифоқининг Россияга қарши санкциялари оқибатида нарх-наволарнинг кўтарилиб кетгани билан ҳам боғлиқдир.

## ФИАННА. ФЕЙН. ФИНЕ. НИМА ДЕГАНИ?

"Фианна Фойл" (Fianna Fail) "Тақдир аскарлари", деган маънони билдиради. Ирландиядаги либерал сиёсий партиядир. 1926 йилда асос солинган. Ирландия мустақиллиги эълон қилинган, партия мамлакатдаги асосий сиёсий кучдан бирига айланган. Турмуш сифатини кўтариш, уй-жой ва қурилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш, таълим тизимини яхшилаш, иқлим ўзгаришлари ва Ирландия кадриятларини ҳимоялаш каби мақсадларни ўз олдига қўйган партияга 2011 йилдан бери Мишол Мартин етакчилик қилиб келмоқда.

"Шинн Фейн" (Sinn Féin), яъни, "Фақат биз ўзимиз", дегани экан. Миллатпарварлик ғояларини илгари суради. Мэри Лу МакДональд 2018 йилдан буён партияга етакчилик қилиб келмоқда. 2019 йилда мазкур сиёсий куч агар Буюк Британия Европа Иттифоқи таркибидан ажралиб чиқса, Ирландия Республикаси билан бирлашиши юзасидан референдум ўтказишга чақирган.

"Фине Гэл" (Fine Gael), ўзбек тилида "Ирландлар қабиласи", деган маънони билдиради. Ирландиядаги либерал-консерватив

сиёсий куч. Ҳукумат тепасидаги сиёсий куч вақиллари 2024 йилнинг мартда Саймон Харрисга партия етакчилигини топширган.

## МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИГА ОЗ ҚОЛДИ

Сайлов кампанияси давомида яшаш нарҳининг қимматлиги ва арзон уй-жойлардан фойдаланиш мавзулари устуворлик касб этган. Ҳозирги кунда Ирландия кўчмас мулк бозори кескин инқирозни бошдан кечирмоқда. Кейинги йилларда мамлакатда янги уйлар қурилиши сезиларли равишда пасайган. Бу эса уй-жой нарҳининг кескин кўтарилиши, ижара ҳақининг ошиши ва уйсизлар сонининг кўпайишига олиб келган. Уй-жой муаммоси иммиграция билан ҳам боғлиқдир. 5,4 миллион аҳолига эга мамлакат бошлана сўраганларни жойлаштиришда жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда.

"Фине Гэл" ва "Фианна Фойл" йиллар давомида Ирландияни бошқариб келган. Иккала сиёсий куч ҳам сайловчилар, ҳам инвесторлар учун барқарорлик ва узуқсизлик рамзи ҳисобланади. Коалиция яқинда мамлакатни келажакдаги иқтисодий зарбалардан ҳимоя қилиш учун жамғарма ташкил этиб, унинг ғазнасини тўлдиришда давом этишга ваъда берганди. "Фине Гэл" раҳбари, агар қайта сайланса, йирик лойиҳалардаги қийинчиликларни бартараф этиш, жумладан, мамлакатнинг айрим йирик компаниялари учун устувор вазифа бўлган электр тармоқларини капитал таъмирлаш учун Инфратузилма департаментини яратишга ваъда берди. Бундан ташқари, даромад солиғи ислоҳоти ҳам муҳокамалар марказида бўлган.

Сайловда иккинчи ўринни банд этган "Шинн Фейн" партияси эса эскирган ин-

фратузилмани модернизациялаш ва уй-жой бозорини ислоҳ қилиш бўйича йирик дастур таклиф этган. Шунингдек, "Apple" дан тушадиган солиқлар ҳисобидан кам таъминланганлар учун 1 миллиард евролик инвестиция жамғармасини яратишга ваъда берганди. Бундан ташқари, бойларга нисбатан юқори солиқлар жорий қилиш ниятида эди.

Ижтимоий сўровлар натижалари парламент сайловларида ҳеч бир партия кўпчилик овозни қўлга киритмаслиги ва ёлғиз ўзи ҳукуматни шакллантира олмаслигини кўрсатганди. Парламент таркиби кичик партиялар вақиллари ва мустақил номзодлар сонининг кўпайиши туфайли ўзгариши, ammo мамлакатдаги сиёсий йўналиш бир хил бўлиб қолиши тахмин қилинган.

Ҳозирда Мишол Мартин ва Саймон Харрис ўртасида ҳукуматни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган музокаралар якуний паллада. Иккала партия ҳам энг йирик муҳолифат партияси бўлган "Шинн Фейн" билан ҳокимиятни бўлишни рад этган. Бу эса мамлакатда сиёсий тизим даяри ўзгармаслигини аниқлади.

Маълумотларга кўра, иккала етакчи ҳам ўзаро ҳурмат ва аниқ сиёсат йўналиши билан таъминланган барқарор ҳукумат зарурлигига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси партия кенгаши бош бухгалтер Шокир Аҳмедовга отаси

**ЙЎЛДОШ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдартлик билдиради.

## ЭЪЛОН

# Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

"Кутубхона-ахборот фаолияти" кафедрасига кафедра мудири (1), катта ўқитувчи (1). "Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати" кафедрасига доцент (1). "Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1). "Ахборот технологиялари" кафедрасига доцент (1). "Маданият ва санъат менежменти" кафедрасига доцент (1). "Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият" кафедрасига доцент (1). "Чолғу ижрочилиги" кафедрасига доцент (1). "Драматик театр ва кино санъати" кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1). "Муסיқали театр санъати" кафедрасига катта ўқитувчи (1). "Фольклор ва этнография" кафедрасига катта ўқитувчи (1). "Миллий қўшиқчилик" кафедрасига катта ўқитувчи (1). "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедрасига катта ўқитувчи (1). "Вокал" кафедрасига ўқитувчи (1). "Саҳна нутқи" кафедрасига ўқитувчи (1). "Ўзбек ва жаҳон филологияси" кафедрасига ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза
  2. Ишловчининг шахсий варақаси
  3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари
  4. Паспорт ёки ID нусхаси
  5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда)
  6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
  7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127-а" уй.  
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1237. 3268 нусxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.